

Имон зиёда бўлиши учун нима қилиш керак?

21:10 / 24.04.2016 4759

Насиҳат қилинг, нима қилсам иймоним кучли бўлади? Муҳитнинг аҳамияти борми? Китоблар ўқийман-у, тез унутаман, иймонсиз ҳолда ўлишдан қўрқаман. Севимли устоз, мени, фарзандларимни ва яқинларимни иймонли ҳолда дунёдан чиқаришини сўраб Аллоҳга дуо қилинг. Тангри сизнинг икки дунёингизни обод қилсин.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Иймон зиёда бўлиши учун Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига далолат қилувчи нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, шу маънодаги маълумотларни ўқиш, ўрганиш ва энг муҳими, иймон зиёдалигини сўраб Аллоҳ таолога дуою илтижода бўлиш керак.

Инсонинг ташқи оламига ҳам, ички оламига ҳам ташқи муҳитнинг таъсири бор. Шунинг учун ҳам уламолар, агар даъват мақсади бўлмаса, динсиз жамиятда яшашдан қайтарганлар. Ислолда яхши дўст ахтаришга тарғиб қилиниши ҳам шундан. Сиз ҳам ўзингизга ўхшаш кишилардан дўст тутинг. Шунингдек, китоблар ўқишда, маърузалар тинглашда давом этинг. Уларни қайта-қайта ўқиб, эшитишга ҳаракат қилинг. «Китоб – энг яхши дўст», деб бежиз айтилмаган.

Биз қўлдан келганича дуода бўламиз. Сиз ҳам маҳкам туринг. Оила аъзоларингизга насиҳат қилинг. Аллоҳ хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Валлоҳу аълам.